

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИККИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

26 июль куні Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар.

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТАТБИҚ ЭТИЛГАН ЕР УЧАСТКАСИ ЯГОНА ЕР СОЛИҒИДАН ОЗОД ЭТИЛАДИ

Сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган нуқтаи назарлардан келиб чиққан ҳолда «Фермерлик фаолиятини ташкил этиш янада такомиллаштирилиши ва фермерлик ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг ҳар тарафлама муҳокама қилиниши депутатлар корпусининг алоҳида диққат-эътиборини тортди. Тузатишлар «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси фермерлик фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштиришга ва ривожлантиришга қаратилган. Ҳужжат кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, шу асосда фермерлар фаолиятининг молиявий барқарорлиги ва самарадорлигини ошириш учун ҳуқуқий шарт-шароит яратиш беради.

Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаси бериш бўйича танловда фермер хўжалиги бошлиғи томонидан кўрсатиб ўтилган мол-мулк, техника ва пул маблағларини фермер хўжаликларининг устав фондига мажбурий тартибда киритишни назарда тутувчи янги нормани «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунга киритиш ҳисобига фермер хўжаликларининг устав фондиди шакллантиришни кенгайтириш ҳуқуқи берилиши фермер хўжаликларининг молиявий активларини, қўшимча асосий маблағларини кўпайтириш, гаров капиталини ошириш йўли билан уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, шунингдек, кредит ресурсларидан фойдаланишда бекор турган резервларни ишга солишга, маблағларни хўжаликларни капиталлаштириш учун йўналтиришга ва уларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга кўмаклашади.

Қонун лойиҳасида пахта териш бўйича мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган ходимларни жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилиш

назарда тутилаётгани мавсумий ишчилар даромадларининг даражаси ошишига олиб келади. Ўз навбатида, буларнинг барчаси аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш фаровонлигини ошириш масалаларини ҳал қилишни давом эттириш юзасидан қишлоқ жойларда олиб борилаётган ишларга ижобий таъсир кўрсатади.

Фермерлар кенгашлари фермер хўжаликлари манфаатлари йўлида даъволар билдирганда, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод этилиши назарда тутилган қўшимчанинг Солиқ кодексига киритилиши суднинг демократиклиги, ҳолислиги, очиклигини таъминлаш, фермер хўжаликларини суд йўли билан ҳимоя қилиш соҳасини кенгайтириш имконини беради.

Қонун ҳужжатида томчилатиб суғориш тизимини татбиқ этган юридик шахсларни, хусусан, томчилатиб суғориш татбиқ этилган ер участкасини беш йил давомида ягона ер солиғи тўлашдан озод этишни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилаётгани фермерларнинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишдан, замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳисобига механизациялаш даражаси ва рентабелликни оширишдан манфаатдорлигини кучайтиради, табиий ресурсларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий механизмларини татбиқ этишга кўмаклашади.

Барча фракция ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи ушбу қонун лойиҳасини қўллаб-қувватладилар, чунки қонун лойиҳаси мамлакатимиз аграр соҳасини жадал ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришга, фермер хўжаликлари маблағларини ўз устав фондларига жалб этиш орқали уларнинг капиталлашув даражасини оширишга, уларнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга, етиштирилаётган маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлашда фермерларнинг мажбуриятларини янада аниқроқ белгилашга қаратилган.

МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ НАЗОРАТИДА

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама этишга ўтиб, депутатлар ушбу қонун лойиҳаси мажбурий суғурта бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятлар суғурта қилдирувчилар томонидан бажарилиши устидан давлат бошқаруви тегишли органларининг назоратини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилганлигини қайд этдилар. Бунда киритилаётган тузатишлар давлат назорати органларининг суғурталовчилардан зарур

маълумотлар олиш имкониятини назарда тутди, бу эса суғурталовчиларга суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахслар ва наф олувчилар, шунингдек, суғурта қилинган мол-мулк ва суғурта суммаси тўғрисидаги маълумотларни давлат бошқарувининг тегишли органларига етказиб бериш имконини беради. Мазкур норма суғурта қилдирувчиларнинг суғурта қилиш мажбуриятлари бажарилганлигини аниқлаш учун зарур ахборотдан белгиланган тартибда фойдаланилишини таъминлайди.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



ҲАВОЛАКИ НОРМАЛАР МАЗМУН БИЛАН ТЎЛДИРИЛАДИ

Президентнинг 15.07.2013 йилдаги ПҚ-2003-сон қарори билан қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режалари тасдиқланди.

Қарорда таъкидлаб ўтилганидек, республикада ҳуқуқий базани яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилганига қарамай, ҳозирги вақтда ҳам қонунларда амалга оширишнинг механизмлари билан таъминланмаган қатор ҳаволаки нормалар мавжудлиги аниқланмоқда. Бу қонунларни шарҳлаш ва қўллашда субъективлик, тор идоравий танловли ёндашув учун шарт-шароит яратади. Уларни бартараф этиш мақсадида давлат ва жамият қурилиши, иқтисодий ривожланиш, ижтимоий ва гуманитар ривожланиш ва суд-ҳуқуқ соҳаларида норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режалари тасдиқланди.

Масалан, Божхона кодексининг 109-моддасида божхона тўловлари божхона органига, халқаро почта жўнатмаларида юборилаётган товарларга нисбатан эса, — алоқа қорхоналарига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда тўланиши ҳақидаги ҳаволаки норма мавжуд. Нормани амалга ошириш учун Давлат алоқа қўмитаси ва ДБҚга Ҳукуматга тегишли ҳужжат лойиҳасини тасдиқлатиш учун тақдим этиш вазифаси топширилди.

Фуқаролик кодексининг 68-моддасига мувофиқ хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият қарам жамият устав фонднинг тегишли қисмини қўлга киритиб олганлиги ҳақидаги маълумотларни қонунда назарда тутилган тартибда дарҳол эълон қилиши шарт. Хўжалик жамиятлари бир-бирларининг устав фондларида ўзаро қатнашишининг чегараси ва бундай жамиятлардан бири бошқа жамият иштирокчилари ёки акциядорларининг умумий йиғилишида фойдаланиши мумкин бўлган овозлар сони қонунда белгиланган бўлиши керак.

Давлат рақобат қўмитасига Кодексининг мазкур икки ҳаволаки нормаси бўйича аниқ қоидалар ўрнатиб берадиган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонунларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Қарор билан тасдиқланган қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режалари эркин қилинадиган norma.uz сайтида жойлаштирилган, «Norma. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари» АҚТдан фойдаланувчилар ахборот-қидирув тизимининг яқин орадаги янгиланганлардан бирида оладилар.

2-бетда

АЛДАНИБ ҚОЛМАЙ ДЕСАНГИЗ



Компьютер технологияси жадал ривожланиб бораётганлиги боис эндиликда амалда ҳар қандай ҳужжат қалбакилаштирилиши мумкин деган гапда жон бор. Шу сабабли ҳам фирмаларнинг раҳбарларидан, кадрлар билан ишлаш бўлимларининг бошлиқлари ва умуман барча фуқаролардан янада ҳушёрлик талаб этилади.

8-бетда

ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ ИККИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

1-бетда БОЛАЛАРНИНГ ТАЪЛИМ
ОЛИШИГА ТЎСҚИНЛИК
ҚИЛГАН ОТА-ОНАЛАР
ЖАВОБГАР
БЎЛАДИЛАР

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси болаларнинг мажбурий ўн икки йиллик таълим олиши масалаларини тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришга қаратилган. Қонун лойиҳасида болаларнинг мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими олишига ота-оналарнинг ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг тўсқинлик қилганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши назарда тутилган.



Парламент аъзоларининг фикрича, тақлиф этилаётган чора-тадбирлар вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, умумий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими мажбурийлиги тўғрисидаги талабларни амалга ошириш, болаларнинг умуммажбурий ўн икки йиллик таълим олиши учун ота-оналарнинг жавобгарлигини ошириш имконини беради.


Умуман олганда, қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партия фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ва тақлифлар билан сўзга чиқдилар. Улар ҳар бир ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси бўйича партия дастурлари ва сайловчилар фикрларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўз нуктаи назарларини билдирдилар. Кўриб чиқилган барча масала юзасидан Қонунчилик палатаси томонидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Ахборот хизмати материали
асосида тайёрланди.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда МАГИСТРЛАРНИ ЎҚИТИШ
СТАНДАРТЛАРИ ЎЗГАРДИ

Магистратурада тайёрланадиган кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириш, магистратурага илмий фаолият юритиш қобилиятига эга бўлган ва чет тилларни чуқур биладиган абитуриентларнинг қабул қилинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 10.07.2013 йилдаги 199-сон қарори билан Олий таълимнинг давлат таълим стандартларига (кейинги ўринларда ОТ ДТС) ўзгартиришлар киритилди.



Хусусан, умумметодологик фанлар блоки бўйича ОТ ДТС магистратуранинг таълим дастури мазмунига доир умумий талабларга тузатишлар киритилди. Ўзгартиришларга мувофиқ кўрсатиб ўтилган фанлар нафақат илмий ва илмий-техник ахборот билан ишлаш кўникмалари ва уқувларини шакллантириши, балки тадқиқ этиладиган мавзулар бўйича мунтазам равишда мустақил таҳлил қилиш ва хулоса тайёрлаш қобилиятини ҳам ривожлантириши керак. Курс илмий ижод методологияси, билишнинг умумий усуллари, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, қонунлар ва қоидалар мантиғи, асослаш ва инкор қилиш усуллари, нутқ маданияти асослари, педагогик технологиялар, мутахассисликлар бўйича менежмент ва иқтисодиётга доир билимларни таъминлаши, амалий хорижий тилни, мутахассисликка йўналтирилган ахборот технологиялари ва тизимларини ўзлаштиришни таъминлаши лозим.

Ўқиш даврининг умумий ҳажми ҳам тақсимланди. Назарий таълим қисқартирилди, илмий фаолиятга эътибор кучайтирилди. Унинг доирасида магистрант илмий тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлашга илмий изланишларга мўлжалланган вақтининг 70 – 75%ини сарфлаши керак. Бундан ташқари, магистрант илмий-тадқиқот ишларининг мазмун-моҳиятини чет тилларидан бирида ҳам англаши лозим.

**ЯНА БИР МАЪЛУМОТНОМА
БЕКОР ҚИЛИНДИ**

Давлат божхона қўмитаси ҳамда Марказий банк бошқарувининг қарорига (АВ томонидан 11.07.2013 йилда 1365-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида Ташқи савдо контрактларига идентификация рақамларини бериш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартиришлар киритилди.

Ўзгартиришларга мувофиқ, нафақат биржа (ярмарка) савдоларида ҳисобга қўйилган (илгари белгилангандек), балки ваколатли банкларда ҳам барча ташқи савдо контрактлари бўйича идентификация рақами контрактнинг ўзида кўрсатиладиган бўлди. Шунинг эслатиб ўтамоғимиз, илгари ваколатли банкда ҳисобга қўйилган ташқи савдо контрактлари бўйича белгиланган шакл бўйича контрактга идентификация рақами берилиши тўғрисида маълумотнома берилар эди.

**2200-СОН НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР:
ШАКЛЛАР ЯНАДА КАМАЙДИ**

Давлат солиқ қўмитаси ва Молия Вазирлигининг қарори (АВ томонидан 22.07.2013 йилда 2200-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (кейинги ўринларда – 2200-сон Низом) ўзгартиришлар киритилди.

Ўзгартиришлар киритилгунга қадар 2200-сон Низомнинг 12-банди иккинчи хатбошисида ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг белгиланган энг кам меъёрларини ҳисобга олган ҳолда тўловларни ҳисоблаш ва тўлашга ўтилганда ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини ҳисоблаш учун асос бўладиган кўрсаткичлар мазкур Низомнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ асосий фаолият турига боғлиқ ҳолда Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-китоб бўйича қабул қилиниши белгиланган эди. Бу билан корхоналар учун белгиланган ҳисобот шаклларида ташқари қўшимча равишда алоҳида шакллар тўлдириб, солиқ органига тақдим этишлари керак эди.

Эндиликда мазкур алоҳида шакллар, яъни 2200-сон Низомнинг 2, 3 ва 4-иловалари бекор қилиниб, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини ҳисоблаш учун асос бўладиган кўрсаткичлар ДСҚ ва МВнинг «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (АВ рўйхат рақами 2439, 2013 йил 22 март) билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобига тасдиқланган шаклда илова қилинадиган бўлди.

**Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача
шарҳларни таҳририят экспертлари
тайёрладилар.**

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	29.07.2013	1	0,7843	1	1,0419	1	0,0239
Арманистон	26.07.2013	1	410,77	1	545,58	1	12,58
Беларусь	30.07.2013	1	8850,00	1	11740,00	1	269,50
Грузия	29.07.2013	1	1,6546	1	2,1948	100	5,0697
Қозоғистон	29.07.2013	1	153,26	1	203,64	1	4,70
Қирғизистон	30.07.2013	1	48,8429	1	64,8878	1	1,4866
Латвия	29.07.2013	1	0,529000	1	0,702804	1	0,016200
Литва	30.07.2013	1	2,6025	1	3,4528	1	0,079194
Молдова	29.07.2013	1	12,7466	1	16,9167	1	0,3902
Россия	30.07.2013	1	32,8556	1	43,6060	—	—
Тожикистон	29.07.2013	1	4,7680	1	6,1201	1	0,1486
Украина	29.07.2013	100	799,3000	100	1059,8718	10	2,4491
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 30 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1953,00	1 Польша злотийси	662,60
1 Англия фунт стерлинги	3243,05	1 СДР	3193,83
1 Дания кронаси	375,56	1 Туркия лираси	1096,62
1 БАА дирҳами	573,91	1 Швейцария франки	2271,72
1 АҚШ доллари	2107,93	1 ЕВРО	2783,57
1 Миср фунти	301,07	10 Жанубий Корея вони	19,01
1 Исландия кронаси	17,59	10 Япония иенаси	215,38
1 Канада доллари	2052,31	1 Россия рубли	64,59
1 Хитой юани	343,84	1 Украина гривнаси	263,72
1 Малайзия ринггити	655,04		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийатини олмаган

УШБУ
СОНДА:

- **УСТУВОРЛИКЛАР**
– Депутатлар қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар **1-бет**
- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-2-бетлар**
- **БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР**
– Автотранспорт балансдан чиқиб кетганда **3-бет**

- **САВОЛ – ЖАВОБ**
– Сўз бердингизми – бажаринг! **4-бет**
- **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
– Байрамда ишлаганга қандай ҳақ тўланади?
– Таътилдаги ходимни ишдан бўшатиш
– Продюсерга қарам бўлиб қолдим **5-бет**
- **АВТОМОБИЛЬ ВА ҲУҚУҚ**
– Аввал корхонани меросга олинг

- Айблаш муддати ўтиб кетган **6-бет**
- **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**
– Муассислар кетади. Мол-мулк кимга қолади? **7-бет**
- **КЎП БИЛГАН КАМ БЎЛМАЙДИ**
– Биллурий таҳдид
– Алданиб қолмай десангиз **8-бет**

АВТОТРАНСПОРТ БАЛАНСДАН ЧИҚИБ КЕТГАНДА

1. Автомашина яроқсиз ҳолга келганлиги сабабли уни эҳтиёт қисмларга ажратиб (кузов, мотор ва бошқа қисмларга) сотганда қандай солиқ оқибатлари юзага келади ва ушбу вазиятда қандай ҳужжатлар расмийлаштирилади?

2. Яроқсиз ҳолга келган автомашинага тегишли эҳтиёт қисмларни сотишимиз учун улгуржи савдо лицензиясига эга бўлишимиз шартми? Умуман, улгуржи савдо лицензияси қачон олинади?

Элдор Раҳимов,
МЧЖ директори.
Самарқанд шахри.

— 1. Ҳақиқатан ҳам тикланиши мумкин бўлмаган ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган асосий воситалар қонун ҳужжатларига асосан тугатилиши мумкин. Бундай тугатилишни амалга оширишда Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида низомнинг (МВнинг АВ томонидан 29.08.2004 йилда 1401-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган, бундан кейин — 1401-сон Низом) 2-параграфига амал қилиш керак.

Бунда асосий воситаларни тугатиш муносабати билан уларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун раҳбар ёки бош муҳандис раислигида комиссия тузилади. Комиссия таркибига корхонанинг тегишли мутахассислари, бухгалтерия ходимлари ва моддий жавобгар шахслари кирилади. Комиссия корхона раҳбарининг буйруғи билан тузилади.

Ушбу комиссия ҳисобдан чиқарилиши керак бўлган асосий воситанинг бевоcита кўригини амалга оширади, бунда зарур техник ҳужжатлар, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланилади, уни тиклашнинг мумкин эмаслигини, ҳисобдан чиқариш сабабларини (тўлиқ эскиришни ҳисоблаш, жисмоний эскириш, фойдаланишнинг рисоладаги шарт-шароитлари бузилиши ва ҳоказони), унинг муддатидан олдин фойдаланишдан чиқиб кетишига айбдор бўлган шахсларни аниқлайди, ушбу шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритади ва тугатилаётган асосий воситадан яроқли деталлар, материалларни олиш устидан назоратни амалга оширади, уларнинг миқдорини белгилайди ва тегишли омборга топширилишини назорат қилади.

Шу тарика, комиссия томонидан қабул қилинган қарор натижалари транспорт воситасини тугатиш тўғрисидаги далолатнома (АВ-4а-сон шакл) билан расмийлаштирилади. Бу далолатнома икки нусхада тузилиб, комиссия аъзолари томонидан имзолана-

ди ва раҳбар томонидан тасдиқланади. Далолатноманинг биринчи нусхаси бухгалтерияга берилади, иккинчи нусхаси асосий воситанинг сақланиши учун жавобгар бўлган шахсда қолдирилиб, ҳисобдан чиқариш натижасида қолган моддий бойликлар ёки темир-терсакни омборга топшириш ва сотиш учун асос бўлади. Транспорт воситасини ҳисобдан чиқаришда бухгалтерияга далолатнома билан биргаликда Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органларида ҳисобдан чиқарилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳам тақдим қилинади.

Жумладан, транспорт воситасини тугатиш тўғрисидаги далолатномада уни барпо этиш йили, унинг корхонага келиб тушиш ва фойдаланишга топшириш санаси, дастлабки (тиклаш) қиймати, фойдаланишнинг бутун муддати учун ҳисобланган эскириш суммаси, тугатиш сабаблари ва қисмларга бўлишдан олинган мумкин бўлган яроқли деталлари, материаллари, улардан кейинчалик фойдаланиш имкониятлари қайд этилади.

Транспорт воситасини тугатишда, бундан ташқари, транспорт воситаси бажарган ишларнинг ва кўрсатган хизматларнинг ҳажми ёки у босиб ўтган йўл кўрсатилади.

Тугатиш далолатномаси тасдиқлангунига қадар транспорт воситасини қисмларга бўлишга йўл қўйилмайди.

Тугатиш жараёни якунланганидан сўнг корхона бухгалтерияси томонидан тугатиш билан боғлиқ харажатлар ва уларни тугатишдан моддий бойликларнинг келиб тушиши тўғрисида тегишли маълумотнома (1401-сон Низомнинг 3-сон иловасида келтирилган) тайёрланади.

Қисмларга бўлинган транспорт воситасининг зарур деталлари, материаллари улар ҳисобга олинган тегишли ҳисобварақларга тугатиш комиссияси томонидан белгиланган эҳтимолий фойдаланиш нархи бўйича қилинади.



Бухгалтерия ҳисобида асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи орқали расмийлаштирилади.

Транспорт воситасини тугатишдан молиявий натижа дастлабки (тиклаш) қиймат билан ҳисоблаб ёзилган эскириш ўртасидаги, тугатиш харажатлари ҳамда яроқли детал ва материаллар қийматини ҳисобга олган ҳолда, мазкур асосий воситаларни қайта баҳолаш сальдосига тузатилган фарқ сифатида аниқланади.

Солиқ кодексининг 355-моддасига кўра ягона солиқ тўлови солиш объекти бўлиб товарларни (ишларни, хизматларни) қўшилган қиймат солиғини чегирган ҳолда (ҚҚС тўлашга ўтган солиқ тўловчилар учун) реализация қилишдан тушган тушум ва Солиқ кодексининг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадлар ҳисобланади.

Солиқ кодексининг 355-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушум, тўлиқ амортизация қилинган асосий воситаларни реализация қилишдан ёки тугатишдан олинган даромадлар чегирланган ҳолда, солиқ солинадиган базадир (Солиқ кодекси, 356-модда).

Шу тарика, тўлиқ амортизация қилинган асосий воситаларни реализация қилишдан ёки тугатишдан олинган даромадлар суммасидан ягона солиқ тўлови тўланмайди.

Сизнинг ҳолатингизда автомашинанинг яроқсиз ҳолга келганлиги сабабли уни эҳтиёт қисмларга ажратиб (кузов, мотор ва бошқа қисмларга) сотишдан олдин уни тугатиш муносабати билан ҳисобдан чиқарилиши амалга оширишининг шарт бўлади.

2. Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низомнинг (ВМнинг 5.11.2005 йилдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган) 2-бандига мувофиқ улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишга лицензия олиш зарур. 242-сон Низомни қўллаш мақсадида «ти-

жорат мақсадларида фойдаланиш ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжлари учун ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шаклида харид қилинадиган товарларни сотиш» тушунилади.

Мазкур ҳолда лицензиялаш тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий қоидаларни қўллаш субъекти бўлиб ўзлари харид қиладиган товарларни учинчи шахсларга сотадиган юридик шахслар ҳисобланади. Уларни кейинчалик қайта сотиш учун эмас, балки, масалан, ўз ишлаб чиқаришида, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш бўйича фаолият ва ҳоказоларда фойдаланиш учун сотиб оладиганларга 242-сон Низомнинг талаблари татбиқ этилмайди.

Улгуржи савдо фаолиятига лицензия олиш тўғрисидаги талаб:

— уни кейинчалик қайта сотиш учун товар сотиб оладиган;

— харид қилинган товарни унга қонунга мувофиқ қайта ишлашнинг зарур даражаси деб эътироф этиш учун етарли ўзгартиришлар киритмасдан сотадиган;

— товарни нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича сотишни амалга оширадиган;

— товарни тижорат мақсадларида ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиш ниятида бўлган шахсга сотадиган субъектлар учун мажбурийдир.

Бунда улар томонидан улгуржи олди-сотдини амалга ошириш предмети бўлиб товар* майдонга чиқади. У тарафлар ўртасида тузилган тегишли олди-сотди шартномаси асосида берилиши керак, шартномани бажариш чоғида ушбу товарни юклаб жўнатиш (қабул қилиш-топшириш) далили ҳужжатлар асосида акс эттирилади.

Шу тарика, сизга юқоридаги келтирилган тартиб асосида иш юритишининг тавсия этилади.

Жавобни экспертиз
Ғуломжон ТўЛАГАНОВ
тайёрлади.

РЕКЛАМА

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
ЎЗР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон қувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказиш

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99894) 644-62-23, 296-55-78; факс (8371) 296-52-15

ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари.
Кадастр*
Тел. 346-16-89.

ADVOKATELITE. Судларда вакиллик қилиш.
Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*.
Тел. (+998 90) 370-63-06.

ХИЗМАТЛАР

Электрон ҳисоботлар учун дастурларни ўрнатиш ва сошлаш, 1С Бухгалтерия.
Тел. 963-89-58.

Лазерли принтерларни тўлдириш.

Мақбул нархлар. Жойига чиқиш билан. Тел. 127-15-28.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда.

Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАР

СЎЗ БЕРДИНГИЗМИ – БАЖАРИНГ!

2012 йил сентябрида компаниямиз МЧЖ билан унинг кўчмас мулк тарзидаги активлари бир қисмини 2013 йил 1 майгача сотиб олиш тўғрисида дастлабки шартномани имзолади. 2013 йил апрели охирида биз сотувчига илгари дастлабки шартномада келишилган кўчмас мулк олди-сотдиси шартларида олди-сотди шартномасини тузиш тўғрисида хат билан мурожаат қилдик. Бироқ сотувчи уни тузишдан бош тортди, буни 2013 йил мартда мазкур кўчмас мулк бошқа ташкилотга сотилганлиги билан изоҳлади. Тузилган дастлабки шартнома эса унинг учун кучга эга эмас, чунки бор-йўғи ниятлар тўғрисида баённома ҳисобланар эмиш.

Сотувчининг ҳаракатлари тўғрими?

Д.Х., компания раҳбари,
Тошкент вилояти.

– Хатингизга қараганда, сиз 2013 йил 1 майгача бўлган муддатда келгусида кўчмас мулкни харид қилиш тўғрисида дастлабки ёзма шартномани имзолагансиз.

Фуқаролик кодекси (ФК) 361-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ сиз тарафлар имзолаши керак бўлган олди-сотди шартномасини тузишлари керак бўлган муддат тугашига қадар, яъни 2013 йил 1 майгача сотувчига илгари дастлабки шартномада келишилган шартларда кўчмас мулк олди-сотдиси шартномасини тузиш таклифини юборгансиз.

Мазкур вазиятда сотувчининг ҳаракатлари нотўғри, чунки у дастлабки шартнома шарт-

ларини бажармаган. Мазкур ҳолда, ФК 361-моддасининг бешинчи қисми ва 377-моддасининг олтинчи, еттинчи қисмлари меъёрларига асосланиб, жавобгар жойлашган жойдаги хўжалик судига шартнома тузишга мажбур қилиш талаби билан мурожаат қилишни тавсия қиламиз. Шартнома тузишдан асоссиз равишда бўйин товлайдиган тараф бошқа тарафга бу билан етказилган зарарларни тўлаши керак. Даъво Хўжалик процессуал кодекси 24-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан «Тузилиши қонунда назарда тутилган шартнома юзасидан келишмовчиликлар тўғрисида» деб аталади.

Павел СИЛЬНОВ, адвокат.

КОРПОРАТИВ КАРТА БИЛАН – СУПЕРМАРКЕТГА

Марҳамат қилиб жавоб берсангиз, умумий овқатланиш билан шуғулланадиган хусусий корхона (буфет) супер ва гипермаркетларда қуйидаги товарларни майда улгуржи тарзда сотиб олишга корпоратив банк картаси билан ҳақ тўлаши мумкинми:

- 1) бутербродлар учун колбаса, пишлоқ, зайтун, нўхотлар, нон;
- 2) қандолат маҳсулотлари, пирожнийлар, шоколад маҳсулотлари, ёнғоқ, писта ва бошқаларни?

– Ҳа, мумкин. Юридик шахслар корпоратив банк карталарини ишлатган ҳолда товар учун амалга оширган ҳисоб-китоблари нақд пулсиз ҳисоб-китобларга тенглаштирилади (Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқноманинг¹ 45-банди).


Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга² кўра юридик шахсга банк томонидан берилган корпоратив банк картаси унинг сақловчисига товарлар, ишлар ёки хизматларни нақд пулсиз шаклда сотиб олиш ҳуқуқини беради. Унинг ёрдамида Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомда³ назарда тутилган юридик шахснинг ишлаб чиқариш–молиявий фаолияти учун зарур бўлган товарлар, ишлар ва хизматларга ҳақ тўлаш мумкин.

Корпоратив пластик картадан нақд пул маблағларини олиш воситаси сифатида фойдаланиб бўлмайди.

Корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз тўлаш учун сарфланган пул маблағлари корпоратив банк картасини сақловчи томонидан қатъий белгиланган мақсадларга ҳисобот бериш шarti билан фойдаланадиган маблағлар ҳисобланади. Сақловчи фақат тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилган корхона ходими бўлиши мумкин.

Президентнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармонида⁴ кўра корпоратив пластик карталардан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга оширишда тўлов терминаллари чеклари бирламчи бухгалтерлик ҳужжатларига тенглаштирилади.

Корпоратив картани сақловчи карта олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай корхона бухгалтериясига корпоратив карта воситасида



сарфланган маблағлар тўғрисидаги ҳисобот билан бирга тўлов терминали чекини тақдим этиш шарт, унда сотиб олинган товар тўғрисида қуйидаги ахборот акс эттирилиши керак: хариднинг номи, миқдори, нархи, умумий суммаси.

Терминал чекида харид қилинган ТМБнинг номи ва миқдори кўрсатилмайдиган корпоратив карта бўйича ҳақ тўлаган ҳолда товар-моддий бойликлар харид қилинганда уларнинг кирими товар-моддий бойликларни харид қилиш далолатномаси (харид далолатномаси) билан расмийлаштирилади. У корхона раҳбари тайинлаган комиссия томонидан тузилади, комиссия раис ва ходимлар орасидан бир нечта аъзодан иборат бўлади. Далолатномада товарларнинг номлари, уларни ўлчаш birlikлари, миқдори, нархи ва ТМБни сотиб олишга сарфланган умумий сумма кўрсатилади. Мазкур сумма ТМБни харид қилиш учун жавобгар корпоратив карта сақловчисининг ҳисоботидан комиссиянинг қарорига асосан ҳисобдан чиқарилади. Далолатномани комиссиянинг барча аъзолари имзолайдилар ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

Юқорида айтилган талабларга риоя этилганда сиз корпоратив банк картасидан тўлаш учун фойдаланиб, санаб ўтилган товарларни (маҳсулотларни) харид қилишингиз мумкин.

Елена ЕРМОХИНА,
эксперт-юристимиз.

ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ

Холам билан поччам вафот этишди. Улар улушбай эгалликдаги квартирада яшашарди, болалари эса йўқ эди. Холамнинг улуши поччам ва холамнинг онаси (поччамнинг қайнонаси) ўртасида тақсимланди. Кейин поччам ҳам вафот этди, вафот этиши пайтида квартиранинг 3/4 қисми унга тегишли эди. Энди ушбу улуш кимга тегади, зеро унинг яқин қариндошлари йўқ? Айтингчи, хотинининг онаси поччамнинг улушига даъво қилиши мумкинми?

Г.Петухова.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани.

ПОЧЧАМ
ВАФОТ ЭТГАНДА

– Агар поччангиз васиятнома қолдирмаган бўлса, ворислик қонун бўйича амалга оширилади.

Ушбу ҳолда меросхўрлар ворисликка Фуқаролик кодексининг 1135-1141-моддаларида назарда тутилган кетма-кетликда чақирилади.

Биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари ҳамда вафотидан кейин туғилган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда эга бўладилар.

Иккинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига мерос қолдирувчининг туғилган ҳамда она (ота) бир ота (она) бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси тенг улушларда эга бўладилар.

Учинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига мерос қолдирувчининг туғилган амакиси, тоғаси, аммаси ва холаси ҳам тенг улушларда эга бўладилар.

Мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача (олтинчи даража ҳам шунга қаради) бўлган бошқа қариндошлари қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Бунда яқинроқ қариндошлар узокроқ қариндошларга нисбатан мерос олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Олий суд Пленумининг «Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида»ги қарорига (20.07.2011 йилдаги 5-сон) кўра қонунда тўртинчи навбатда ворисликка чақирилувчи шахслар доираси аниқ кўрсатилмаганлиги сабабли, судлар тўртинчи, бешинчи ва олтинчи даражадаги қариндошларга кирувчи меросхўрларни аниқлашда Оила кодексининг 57-моддасига риоя этишлари лозим.

Унга мувофиқ бир умумий учинчи шахсдан (аждод-

дан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланади. Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошликнинг яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади.

Болалар ота-онасига нисбатан тўғри шажарадаги биринчи; неварга бобосига, бувисига нисбатан иккинчи; эвара катта бобосига, катта бувисига нисбатан – учинчи даражадаги қариндош ҳисобланади ва ҳоказо.

Ака-ука, опа-сингил, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука ва опа-сингиллари ҳамда уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён шажара бўйича қариндошлар ҳисобланади ва ҳоказо.

Шу тариқа, поччангиз хотинининг онаси (яъни унинг қайнонаси) поччангиз вафотидан кейин унга ворис бўла олмайди.

Қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам ворислар бўлмаса ёки меросхўрларнинг бирортаси ворис бўлиш ҳуқуқига эга бўлмаса ёки уларнинг ҳаммаси меросдан бош тортган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб топилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки мерос очилган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризасига биноан мерос иши очилган кундан бошлаб 3 йил ўтгач мол-мулк эгасиз деб топилади. Агар меросни қўриқлаш ва уни бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, муддат қисқартирилиши мумкин.

Эгасиз мол-мулк у жойлашган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тулкига, у мол-мулкдан бош тортган тақдирда эса – давлат мулкига ўтади.

Ахтам ҲИКМАТОВ,
адвокат.

¹МБ бошқарувининг АВ томонидан 26.10.2005 йилда 1518-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

²МБ бошқарувининг АВ томонидан 18.04.2005 йилда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

³ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган.

⁴24.08.2011 йилдаги ПФ-4354-сон.

БАЙРАМДА ИШЛАГАНГА ҚАНДАЙ ҲАҚ ТЎЛАНАДИ?

Бизнинг юқори ташкилотимиз шанба ва якшанба (байрам) кунлари ишга чиқишни, шунингдек куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва ободончилик бўйича амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида бириктирилган туманда иш вақтидан ташқари вақтда иш бажаришни талаб қиляпти.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кўра иш вақтидан ташқари ишлашнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун мобайнида тўрт соат ва бир йилда бир юз йигирма соатдан ошмаслиги керак. Агар улар ошиб кетса, қандай ҳақ тўланади?

И.Нурмухамедов.
Тошкент шаҳри.


– Одатда ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазибаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади (*Меҳнат кодекси (МК)нинг 114-моддаси*).

Иш вақтининг нормал муддати қонун билан белгиланган иш вақти нормаси бўлиб, унга меҳнат шартномаси тарафлари (ходим ва иш берувчи) риоя этишлари керак, бунда ташкилотнинг мулкчилиги шакли аҳамиятга эга эмас. Меҳнат шартномасини тузган барча ходимлар учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бу умумий норма. 6 кун-

лик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати 7 соатдан, 5 кунлик иш ҳафтасида эса 8 соатдан ортиб кетмаслиги лозим (*МКнинг 115-моддаси*).

Дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлаш ман этилади. Ушбу умумий қоида ички меҳнат тартиби қоидалари (бошқа локал ҳужжатлар, меҳнат шартномаси) билан ходимлар учун белгиланган дам олиш (ишланмайдиган) кунларнинг исталганига татбиқ этилади.

Иш берувчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина, жамоа шартномасида, агар у тузилма-



ган бўлса, – иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади (*МКнинг 130 ва 132-моддалари*).

Сизнинг ҳолатингизда сиз юқори ташкилотнинг топшириғига кўра белгиланган иш вақти муддатидан ташқари, шунингдек дам олиш ва байрам кунларида иш бажаряпсиз. Бундай топшириқларни иш берувчи асосий иш бўйича МКнинг 130 ва 132-моддалари талабларини ҳисобга олган ҳолда буйруқ би-

лан расмийлаштириши керак. Бундай ишларга, МКнинг 157-моддасига мувофиқ, **икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади**.

Бунда қонун ҳужжатлари иш берувчининг ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтини, шу жумладан иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини аниқ ҳисобга олиб бориши шартлигини назарда тутилади (*МК 125-моддасининг иккинчи қисми*). Бундай ҳисобни тасдиқлайдиган асосий ҳужжат бўлиб иш вақтини ҳисобга олиш табели ҳисобланади. Ва, сиз ўз хатингизда ёзганингиз-

дек, қонунга кўра иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига 2 кун давомида 4 соатдан ва йилига 120 соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим (*МК 125-моддасининг биринчи қисми*).

Шу тариқа, МКнинг 157-моддасига мувофиқ, сиз бажарган иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланиши керак. Байрам ёки дам олиш кунларидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш куни (отгул) бериш билан қопланиши мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари иш учун белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кунларидаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш куни берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ,
эксперт-юристимиз.

Биз пенсионерни Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 7-бандига асосан ишдан бўшатмоқчимиз. Бироқ у таътилга чиққан. Биз ҳозир уни бўлғуси ишдан бўшатиш тўғрисида огоҳлантиришга ҳақлимизми ва огоҳлантириш муддатининг тугаши қайси вақтдан бошланади – огоҳлантириш куниданми ёки ходим ишга чиққан кунданми?

А.Фармонов,
кадрлар бўлими бошлиғининг ўринбосари.

ТАЪТИЛДАГИ ХОДИМНИ ИШДАН БЎШАТИШ

– Агар иш берувчи ходим билан меҳнат муносабатларини Меҳнат кодекси (*МК*) 100-моддаси иккинчи қисмининг 7-бандига асосан бекор қилмоқчи бўлса, у МКнинг 102-моддасига биноан меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни ёзма равишда (имзо чектириб) камида 2 ой олдин огоҳлантириши шарт.

Ушбу муддатни ҳисоблаш ходим бундай огоҳлантириш билан таништирилган кундан кейин келадиган кундан бошланади. Бунда унга ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, шунингдек у давлат ёки жамият вазибаларини бажарган вақт киритилмайди. Ходим ишда ҳозир бўлмаган бошқа барча даврлар (ҳақ тўланадиган ва иш ҳақи сақланмайдиган таътиллари бўлиш, отгуллардан фойдаланиш ва ҳоказо) меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш муд-

датига ҳисобланади.

Шу тариқа, сиз, гарчанд ходим меҳнат таътилида бўлганда ҳам, МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 7-бандига кўра, уни у билан меҳнат шартномасини келгусида бекор қилишингиз тўғрисида огоҳлантиришга ҳақлисиз. Огоҳлантиришнинг 2 ойлик муддатини ҳисоблаш умумий қоидага кўра – у огоҳлантириш билан таништирилган кундан кейин келадиган кундан бошланади.

Бироқ ушбу ҳолда техник муаммо ҳам мавжуд – ходимни огоҳлантириш билан қандай қилиб таъминлаш керак. Зеро ходим таътилда бўлади ва у бу вақтда ҳатто раҳбариятнинг чақирувига кўра ҳам ишга келишга мажбур эмас. Бундан ташқари, у дам олиш учун бошқа шаҳар, минтақа, мамлакатга кетиши мумкин. Огоҳлантириш учун жавобгарлик эса иш берувчининг зиммасига юкланади.

Қўшимча тарзда таъкидлаш лозимки, ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва таътилларида бўлган даврида меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно (*МК 100-моддасининг учинчи қисми*).

Ахтам ҲИКМАТОВ,
адвокат.

ПРОДЮСЕРГА ҚАРАМ БЎЛИБ ҚОЛДИМ

Мен ижрочи муаллиф сифатида продюсерлик компанияси билан меҳнат шартномаси тузган эдим. Унинг шартларида мен 5 йил муддатгача шартномани бекор қила олмаслигим ва акс ҳолда жуда катта суммада жарима тўлашим лозимлиги назарда тутилган. Шунингдек менинг образим, ижодий кўринишим ва ҳатто ишдан ташқари вақтдаги хатти-ҳаракатларим масаласи батафсил баён этилган. Мазкур шартлар қанчалик қонуний?

Олег А-ев.
Самарқанд шаҳри.



– Муддатли меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш масаласи бўйича шуни қайд этиш мумкинки, агар бундай шартномани тузишни бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатлари тақозо этмаган бўлса, иш берувчи номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномасини тузиши шарт (*Меҳнат кодекси (МК) 76-моддасининг иккинчи хатбошиси*).

Шунингдек ушбу ҳолда меҳнат шартномасини муддатдан аввал бекор қилганлик учун неустойка тўлаш шarti аниқ қандай белгиланганлиги ҳам аҳамиятга эгадир.

Биринчидан, у ўзаро бўлиши керак, яъни нафақат ходим, балки иш берувчи ҳам ўз зиммасига ходим билан меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинган тақдирда неустойка тўлаш бўйича худди шундай мажбурият олади, бундан ходимнинг айбли хатти-ҳаракат ҳоллари мустасно.

Иккинчидан, шартномада назарда тутилган ходим томонидан тўланадиган неустойка миқдори иш берувчи томонидан тўланиши назарда тутилган неустойка миқдоридан кам ёки унга тенг бўлиши, бироқ ҳеч ҳам ундан юқори бўлмаслиги керак (*МКнинг 104-моддаси*).

Шу тариқа, юқорида баён этилганлардан келиб чиқилса, агар ушбу мажбурий шартларга риоя этилмаса, меҳнат шартномаси муддатдан аввал бекор қилинганда неустойка тўлаш талаби ноқонуний бўлади.

Ижрочининг образи, хатти-ҳаракатлари ва ҳоказоларга оид талабларга келсак, МК 17-моддасининг тўртинчи хатбошисига кўра, иш берувчи меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган ишни лозим даражада бажаришни ходимдан талаб қилишга ҳақлидир. МК 72-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

Шу тариқа, касбингиз ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олганда бундай талаблар меҳнат шартномасида қайд этилиши мумкин. Бироқ ушбу талаблар фақат ички меҳнат тартиби қоидаларида ёки меҳнат шартномасида белгиланган иш вақтига татбиқ этилиши керак, иш вақтининг режими ҳам қонун ҳужжатларининг талабларига, шунингдек сиз бажарётган ишга мувофиқ келиши керак.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда қонун ҳужжатларида бажарилаётган ишнинг имиж томони аниқ тартибга солинмаган, шу сабабли меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун мурожаат этилганда суд ҳар бир алоҳида ҳолда вазиятдан, шартнома шартлари ва қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқиб аниқ қарор қабул қилади.

Алексей НИЯЗМЕТОВ, юрист.



МАШИНАНИ ИЖАРАГА ОЛАМИЗ. ҲАЙДОВЧИНИ ҲАМ

Агар бизнинг корхонамиз, Фуқаролик кодексининг 566-моддасига кўра, ижарага берувчи билан автомашина ижараси шартномасини тузса, биз ушбу моддага мувофиқ ҳайдовчиларга иш ҳақи тўлашимиз керакми ёки йўқми?

К.Нурлаев,
МЧЖ муассиси.

— Агар сиз транспорт воситасини экипажи билан ижарага олсангиз, экипаж аъзоларига иш ҳақи тўламайсиз. Чунки экипажли автомобиль ижараси шартномаси бўйича ижарачи ҳайдовчилар билан меҳнат муносабатларига киришмайди. Уларга иш ҳақи тўлашни ижарага берувчи корхона Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ у билан ходимлар ўртасида тузилган меҳнат шартномалари асосида амалга оширади. Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 566-моддаси эса ушбу муносабатларни тартибга солмайди.

Бироқ ФК 566-моддасининг бешинчи қисмида шундай дейилган: «агар транспорт воситасини ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, экипаж аъзоларининг хизматига ҳақ тўлаш, шунингдек уларни

сақлаш харажатлари ижарага берувчи зиммасида бўлади». Мазкур норма диспозитив ҳисобланади (яъни шартнома тарафларига танлаш ҳуқуқи берилган). Яъни ким ушбу харажатларни амалга оширишини ижарага берувчи ва ижарачининг ўзлари белгилашга ҳақлилар. Бунда ижарага берувчи корхона ва транспорт воситаси экипажи улар ўртасидаги мавжуд меҳнат муносабатларини сақлаб қоладилар (ФК 566-моддасининг тўртинчи қисми).

Агар экипажли транспорт воситаси ижараси шартномасининг тарафлари ҳайдовчилар хизматларига ҳақ тўлаш ва уларни сақлаш харажатлари ижарачи ҳисобидан бўлади деб келишиб олишса, ушбу ҳолда ижарага берувчи меҳнат шартномасига асосан иш ҳақи,

хизмат сафари, суткалик пуллар ва бошқаларни тўлайди, ижарачи эса, ижара ҳақидан ташқари, ижарага берувчига у қилган тўловларни қоплайди. Бундан ташқари, ижарачи ижарага берувчининг ўрнига чет ташкилотларга қуйидаги харажатларни тўлайди:

транспорт воситасини бошқаришга рухсат бериш учун ҳайдовчиларнинг тиббий кўрикларини ўтказиш;

экипаж аъзоларининг бориш йўлида яшаши (меҳмонхонада, ижарага олинган квартирада ва ҳоказо);

транспорт воситасида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериш;

махсус кийим-бош, махсус пойабзал сотиб олиш;

экипаж аъзоларининг овқатланиши ва ҳоказо.

Низоларга йўл қўймаслик учун экипажли транспорт воситаси ижараси шартномасида экипаж аъзолари хизматларига ҳақ тўлаш ва уларни сақлаш бўйича қандай харажатларни ижарачи зиммасига юклашни аниқлаштиришни тавсия қиламиз. Қолган харажатлар эса ижарага берувчига юкланади.

Георгий ШМАКОВ,
эксперт-юристимиз.

АВВАЛ КОРХОНАНИ МЕРОСГА ОЛИНГ

Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин хусусий корхона мерос бўлиб қолди. Унинг балансида автомобиль бор. Ягона ворис ушбу автомобилни мерос қилиб олиши мумкинми?

Газетхон.

— Йўқ, ололмайди. Буни тартиб билан тушунтирамиз.

Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 1113-моддасига кўра мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлиmidан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради. «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг (11.12.2003 йилдаги 558-III-сон) 27-моддаси хусусий корхона мулкдорига хусусий корхонани шу жумладан васият қилиб қолдириш йўли билан ҳам бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқини беради.

ФКнинг 1152-моддасида айтилишича, агар мерос таркибига киради-

ган корхонанинг меросни қабул қилиб олган барча меросхўрлари келишувда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, бундай мерос натура ҳолида тақсимланмайди ва меросхўрларга тегишли бўлган улушларга мувофиқ уларнинг умумий улушли мулкига айланади.

Тегишинча, хусусий корхона мерос таркибига кириши мумкин. Бунда корхона натура ҳолида, яъни унинг таркибий қисмларини (бино, ускуна, хом ашё, транспорт ва ҳоказо) қисмларга тақсимлаш амалга оширилиши мумкин эмас.

ФК 1116-моддасининг меъёрларидан келиб чиқилганда мерос қолдирувчи

деб вафот этган ёки суднинг қарорига кўра қонун билан белгиланган тартибда вафот этган деб эълон қилинган жисмоний шахс эътироф этилади. Юридик шахс мерос қолдирувчи бўлолмайди.

Хусусий корхона балансида турган транспорт воситаси мерос қолдирувчи жисмоний шахснинг эмас, балки хусусий корхона — юридик шахснинг мулкидир. Бундан корхонанинг транспорт воситаси мерос қолдирилиши мумкин эмаслиги келиб чиқади.

Меросхўрга хусусий корхонанинг ўзини мерос қилиб қабул қилишни тавсия этамиз. Кейинчалик меросхўр хусусий корхона мулкдори сифатида ҳаракат қилиб, корхона томонидан транспорт воситасини мулкдор фойдасига ўтказиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилиши ва транспорт воситасига доир мулк ҳуқуқини расмийлаштириши мумкин бўлади.

• йўлларга ажратилган минтақа теграсида мол боқиш (ЭКИХнинг 1/2 миқдорида жарима).

Кўрсатилган шахсларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши авария ҳолатини вужудга келтирса ҳам жаримани жойнинг ўзида тўлаш мумкин. Бу ҳолда унинг суммаси ЭКИХнинг бир бараварини ташкил этади.

Қолган барча ҳолларда йўл ҳаракати қоидаларини бузишларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилади, жарима эса белгиланган тартибда, унинг суммасидан қатъи назар, касса орқали тўланади.

Бунда таъкидлаш жоизки, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (ички ишлар вазирининг АВ томонидан 5.07.2011 йилда 2240-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) ҳозирча Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янгиланган 283-моддасидан келиб чиқадиган зарурий ўзгартиришлар киритилмаган, бу эса автомобиль ҳайдовчиларида шу сингари саволларнинг юзага келишига олиб келмоқда.

Абдурахмон БАХТИЕВ,
эксперт-юристимиз.

Бундан қарийб икки ярим ой аввал ўз шахсий автомобилимда йўл-транспорт ҳодисасига учрадим — бошқа автомобилга тўқнашиб кетдим. Ҳозирги вақтда мени ушбу ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликка тортишмоқчи. Бироқ эшитишимча, маъмурий жавобгарлик содир этилган вақтдан (аниқ санадан) бошлаб 2 ой ўтган бўлса, айбдор шахсни жавобгарликка тортмасликлари мумкин экан. Шундайми?

Ф.Матёкубов,
Урганч шахри.

АЙБЛАШ МУДДАТИ ЎТИБ КЕТГАН

— Ҳақиқатан ҳам, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖТК)нинг 36-моддасига кўра, маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб 2 ойдан кечиктирмай, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса — ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб 2 ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Жиноят ишини кўзга тиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши кўзга тиш рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Ўзимнинг адвокатлик амалиётимдан мисол келтираман. Мен фуқаро Г. хонимнинг манфаатларини ҳимоя қилаётган эдим, уни жиноий ишлар бўйича туман суди МЖТКнинг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни — яъни транспорт воситалари ҳайдовчиларининг жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келган ҳолда йўл ҳаракати қоидаларини бузиши — содир этганда айбдор деб топган эди. Суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан биз жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар судига шикоят аризаси топширдик, у туман судининг қарорини бекор қилди, фуқаро Г. хонимга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишни эса тугатди. Бунинг учун МЖТК 271-моддасининг 7-банди асос бўлди, унда кўрсатилишича, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб МЖТКнинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса, мазкур ишни бошлаш мумкин эмас, бошлангани эса тугатилиши керак.

Гап шундаки, йўл-транспорт ҳодисаси 18 июнда юз берган, иш эса судга фақат 18 августда келиб тушган. Фуқаро Г. хонимни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида суднинг қарори эса 2 сентябрда чиқарилган. Яъни ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш пайтида шахсни жавобгарликка тортиш учун муддат (2 ой) тугаб бўлган эди.

Ахтам ҲИКМАТОВ,
адвокат.

АВТОМОБИЛЬ ҲАЙДОВЧИЛАР КАССАГА ТўЛАЙДИЛАР

Қандай ҳолларда йўл ҳаракати қоидаларини бузганда жаримани жойнинг ўзида тўлаш мумкин?



Газетхон.

— Жорий йилнинг 4 январидан бошлаб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 283-моддасига кўра, фақат қуйидаги ҳолларда йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима жойнинг ўзида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузмасдан тўланиши мумкин (агар фуқаро бунга рози бўлса):

• пиёдаларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, уларнинг йўлнинг ҳаракат қисмини белгиланмаган жойлардан кесиб ўтишида (ЭКИХнинг 1/3 қисми миқдорида жарима);

• мопед ва велосипед ҳайдовчиларининг, уловли аравани бошқариб борувчи ва йўлдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, устунлик берувчи, тақиқловчи ёки кўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига риоя этмаслиги (ЭКИХнинг 1/3 қисми миқдорида жарима);

• ҳайдовчиларга ҳар хил хизмат кўрсатиш мақсадида йўлнинг қатнов қисмида фуқароларнинг туриши (ЭКИХнинг 1/2 қисми миқдорида жарима);



ИШОНЧНОМАНИ АЛМАШТИРИШ КЕРАК ЭМАС

Мен эски намунадаги паспортимни янги намунадагига алмаштирмоқчиман. Паспортимни алмаштиргандан кейин машина ҳайдовига ишончномани ҳам ўзгартиришим керакми?

— Агар ишончноманинг муддати тугамаган бўлса, уни эски намунадаги паспортни янги биометрик паспортга алмаштириш муносабати билан ўзгартириш шарт эмас. Сизга унга асосан ишончнома тузилган эски паспортнинг ксеронусхасига эга бўлишни тавсия қиламиз. ЙХХДХ инспекторлари томонидан машина ҳайдаш ҳужжатлари текширилган тақдирда ушбу ксеронусхани тақдим этиш мумкин.

Санжар Хўжааҳмедов,
экспертимиз.

Муассислар масъулияти чекланган жамиятнинг устав фондида кўчмас мулкни ҳисса ҳисобига беришяпти.

Тушунтириб берсангиз, кўчмас мулкка доир мулк ҳуқуқи қандай қилиб муассисдан жамиятга берилади ва мулк ҳуқуқининг ўтиши қандай ҳужжатлар асосида давлат рўйхатидан ўтказилади? Шунингдек жамиятдан бир ёки бир нечта муассис чиққанда ёки корхона ихтиёрий тарзда тугатилган тақдирда бинога оид мулк ҳуқуқи қандай ўтади?



кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»¹ги Қонунда² МЧЖдан чиқишда муассис худди ўша мол-мулкни олишини кўрсатадиган меъёрлар назарда тутилмаган.

Ушбу Қонуннинг 20 ва 22-моддалари жамиятнинг чиқиб кетган иштирокчиси улушини сотиш ва тўлаш

АГАР ЖАМИЯТ ТУГАТИЛСА...

Бироқ жамият ихтиёрий тарзда тугатилганда мулк ҳуқуқининг ўтишини рўйхатдан ўтказиш тартиби бошқача эканлигини ҳисобга олиш лозим. «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар

• муассислар (иштирокчилар)нинг устав фондидаги (капиталидаги) ҳиссалари шаклланганлиги ҳақидаги маълумотнома;

• дебитор ва кредиторлар рўйхати;

• юридик шахснинг тугатилиши ҳақида кредиторлар ёзма равишда хабардор қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжат;

• тугатилаётган юридик шахснинг молия-хўжалик фаолияти текширилганлиги ҳақидаги тегишли давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси;

• юридик шахснинг тугатилиши ҳақида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига берилган эълон нусхаси;

• охириги молиявий ҳисобот йилига бўлган бухгалтерия баланси;

• тугатилаётган юридик шахснинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот;

• тақсимланаётган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

• «Ергеодезкадастр» ҳудудий бўлинимасининг маълумотномаси;

• мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги тўғрисида тегишли давлат нотариал идорасининг маълумотномаси;

• мол-мулкнинг инвентаризация далолатномаси;

• тугатилаётган юридик шахснинг оралиқ тугатиш баланси;

• тугатилаётган юридик шахснинг тугатиш баланси;

• тугатилаётган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланган мол-мулкнинг топшириш ва қабул қилиш далолатномаси.

Кўчмас мулкни муассислар ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги тасдиқланган шартнома асосида рўйхатдан ўтказувчи орган бино (иншоот)ни тегишли муассис номига давлат рўйхатидан ўтказиш, бунда у қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

• белгиланган шаклдаги ариза;

• кадастр ҳужжатларининг асл нусхаси;

• кўчмас мулкни муассислар ўртасида тақсимлаш шартномаси.

МУАССИСЛАР КЕТАДИ. МОЛ-МУЛК КИМГА ҚОЛАДИ?

ҲУҚУҚИЙ БАЗА

– Муассис МЧЖдаги ўз улушини шакллантирадиган кўчмас мулкка оид мулк ҳуқуқини унинг таъсис ҳужжатлари билан белгиланган муддат мобайнида, бироқ жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб 1 йилдан кечиктирмай бериши керак. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, 2013 йилгача тадбиркор жамиятнинг таъсис ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар ўз улушининг камида 30%ини киритиш тўғрисида ўйлаши керак эди¹.

Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 101-моддасига мувофиқ битимлар деб фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларига айтилади. Яъни кўчмас мулкни мулк қилиб бераётганда жисмоний шахс (янги иштирокчи) билан юридик шахс (жамият) ўртасида шаклландиган ҳуқуқий муносабат битим бўлиб ҳисобланади. ФКнинг 111-моддасига кўра ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ барча битимлар мажбурий давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Бино ва иншоотларни рўйхатдан ўтказишга вакил қилинган давлат органи (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат кўмитасининг туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими) уларни рўйхатдан ўтказишни ФКнинг 84-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тўғрисида» қарорига (2.06.1997 йилдаги 278-сон) ва амалиётда жорий этилганига асосан амалга оширади.



ҲУҚУҚ ЎТИШНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ, ХАТАРЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

МЧЖнинг устав фондида ҳисса сифатида киритилаётган кўчмас мулкка оид ҳуқуқларнинг жисмоний шахсдан юридик шахсга ўтишини рўйхатдан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

белгиланган шаклдаги ариза;

кадастр ҳужжатларининг асл нусхалари;

бино (иншоот) эгаси уни ҳисса сифатида юридик шахснинг устав фондида бериши тўғрисида қарор қабул қилинадиган юридик шахс муассислари умумий йиғилишининг баённомаси нусхаси;

таъсис ҳужжатларининг (устав ва (ёки) таъсис шартномаси) нотариал тасдиқланган нусхалари.

Жамият устав фондидаги ўз улушини кўчмас мулк билан шакллантирган жамиятнинг янги иштирокчиси, агар улуш устав фондининг 50%идан камни ташкил қилса, кейинчалик муассислар таркибидан чиқиш чоғида ана шу ўзи киритган кўчмас мулкни қайтариб ополмаслиги мумкинлиги хатарининг мавжудлигини таъкидлаш лозим. «Масъулияти чекланган ҳамда

тартибини назарда тутати. Чиқиб кетган иштирокчининг улушини тўлашда жамият мол-мулкни сотиб олиши ёки асли ҳолида бериши мумкин. Чиқиб кетган иштирокчи берилган мол-мулкни қайтариб олиши мумкин, ҳамма нарсаси иштирокчиларнинг қандай келишиб олишларига боғлиқ. Кўчмас мулкни бериш чоғида жамият муассислари ўртасида низо юзага келган тақдирда у судда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кўрилиши керак. Бундай низоли вазиятларнинг олдини олиш учун МЧЖнинг таъсис ҳужжатларида муассис чиқиб кетганда ёки жамият ихтиёрий тарзда тугатилганда устав фондида киритилган кўчмас мулкнинг тақдирини белгиладиган қоидаларни мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир.

Жамиятнинг устав фондидаги улуш кўчмас мулк билан берилганда чиқиб кетган иштирокчи мулк ҳуқуқининг унга ўтишини расмийлаштириш учун рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

• белгиланган шаклдаги ариза;

• кадастр ҳужжатларининг асл нусхаси;

• кўчмас мулкка оид мулк ҳуқуқининг жамиятдан ундан чиққан муассисга ўтишини белгиланган юридик шахс муассислари умумий йиғилишининг баённомаси нусхаси.

тўғрисида»¹ги Қонуннинг 8-моддаси ва Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида низомнинг³ 30-бандига кўра тугатишдан кейин қолган мол-мулк муассислар ўртасида тақсимланади.

Тугатилаётган юридик шахсга тегишли бўлган мол-мулкни муассислар ўртасида тақсимлаш шартномасини тасдиқлаш тартибини Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқнома⁴ III бобининг 16-параграфи белгилаб беради. Йўриқноманинг 169-бандига мувофиқ мол-мулкни муассислар ўртасида тақсимлаш учун нотариусга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

• юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари;

• юридик шахс муассислари (иштирокчилари)нинг ёки муассиснинг юридик шахсни тугатиш ҳақидаги қарори;

• юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки органи томонидан рўйхатдан ўтказувчи органга юборилган ёзма хабар;

• юридик шахсни тугатиш, тугатувчи (тугатиш комиссияси)ни тайинлаш, тугатиш тартиби ва муддатларини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассисларининг (иштирокчиларининг) умумий мажлиси баённомаси;

Шутариқа, биз бино ва иншоотларга мулк ҳуқуқининг муассис-жисмоний шахслардан жамиятга уларнинг устав фондида ҳиссаси сифатида ва аксинча, муассис чиқиб кетганда жамиятдан жисмоний шахсга берилиши муносабати билан ўтганда шаклландиган ҳуқуқий муносабатларни кўриб чиқдик.

Илгари бино ва иншоотларга оид мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказишнинг батафсил тартибини Адлия вазирлиги томонидан 7.01.1998 йилда 387-сон билан рўйхатдан ўтказилган Бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома белгилар эди. У 2012 йил 17 августдан ўз кучини йўқотган. Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ҳужжатни қабул қилишни мақсадага мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мазкур маслаҳатимиз тадбиркорларимизга уларнинг фаолиятида ёрдам беради деб ишонамиз.

Тимур ТУРСУНОВ,
Алишер УБАЙДУЛЛАЕВ,

«VICTORY-YURCONSALT» МЧЖ юрисконсультлари.

¹«Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонунга республикада ишбилармонлик муҳитини яхшилашга йўналтирилган тегишли ўзгартиришлар 29.12.2012 йилдаги УРҚ-345-сон Қонун билан қабул қилинган.

²6.12.2001 йилдаги 310-II-сон.

³Президентнинг 27.04.2007 йилдаги ПҚ-630-сон қарори билан тасдиқланган.

⁴Адлия вазирининг АВ томонидан 30.03.2010 йилда 2090-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

КРИМИНАЛИСТ ЭКСПЕРТ ЁН ДАФТАРИДАН

БИЛЛУРИЙ...
ТАХДИД

Шишадан ясалган буюмларни криминалистик тадқиқ этишга бағишланган семинарда қатнашиш учун Россиянинг кичик шаҳарларидан бирига қилган сафаримиз чоғида эшитган бир воқеа эсга тушди.

Ўшанда биз, турли экспертлик муассасалари экспертлари, шишадан ясалган буюм ва маҳсулотларни тадқиқ этиш юзасидан тажриба алмашиш, мутахассисларнинг янги илмий ечим ва ишланмалари билан танишиш мақсадида икки ҳафталик семинарга йиғилган эдик. Экспертлик лабораторияси биносидан бир неча кун мобайнида иштирокчиларнинг маърузаларини тингладик, қизиқарли хулосаларни ўргандик, муҳокама қилдик.

Амалий ахборот олиш учун шишасозлик заводига сафар ҳам режалаштирилган экан. Корхона бизда катта таассурот қолдирди, ҳайратимиз ҳам чексиз. Шишадан турли буюмлар ва маҳсулотлар тайёрлаш жараёнини биринчи марта ўз кўзимиз билан кўришга муваффақ бўлдик. Деразаларга ишлатиладиган ойналар, шу жумладан автомобиль ойналари тайёрланишини ҳам кузатдик.

Завод музейида рангли ва рангсиз шиша ҳамда биллурдан тайёрланган ажойиб буюмлар кўргазма қилиб қўйилган экан. Экскурсовод улар ҳақида тўлқинланиб гапирар экан, турли йилларда баобру меҳмонларга, юбилей муносабати билан йирик давлат ва маданият арбобларига совға учун махсус буюртма асосида тайёрланган ниҳоятда бежирим буюмлар фотосуратларини ҳам кўрсатарди.

Биллур буюмлар тайёрланадиган цехда бизга тайёр маҳсулотларни, шунингдек фторводородли кислота солинган улкан идишни кўрсатишди. Ана шу кислота ёрдамида биллур буюмлар ниҳоятда нафис сутранг тус олар экан. Цех бошлиғи кислотанинг ўзига эмас, балки унинг буғлари ҳам суяк учун зарарли эканлигидан бизни огоҳлантирди. Бу ердаги иш зарарли бўлгани учун ҳам асосан аёллардан иборат ходимларнинг тишлари тез тушиб кетар экан. Бу гапни эшитганимиз ҳамони оғизни дастрўмол билан беркитиб олдик.

Цех бошлиғи саволларимизга муфассал жавоб берди. Терговчи бўлиб ишлаган пайтларим эсга тушиб, ундан сизларда «ташмачилар» йўқми деб сўрадим, бу нафис буюмларни ташмалаб кетиш ҳоллари кўп-камлигини суриштирдим. Зотан ўша кезлари биллур буюмлар ниҳоятда тақчил бўлиб, жуда қадри эди. Цех бошлиғи менга ғалатиноқ қараб олди-да, шунақа ҳоллар ҳам бўлиб туради деб гапни калта қилди. Мен бундайларга қарши қанақа кураш олиб борасиз деганимда, у энсаси қотиб: «Ҳеч қанақа», – деб қўя қолди. Кейин ишхонадан чиқаверишда тинтув ўтказиб, ўғирлаб олиб чиқиб кетилаётган нарсаларни олиб қўйиш мумкин, аммо оқибати яхши бўлмайди деб тушунтирган бўлди. Цехда ишлайдиган аёллар ниҳоятда шаддод, тап тортмас бўлиб, агар бошлиқ қўшимча пул топишларига бу йўсин халақит берадиган бўлса, бу цехдан умуман тирик чиқмаслигини, ғойиб бўлиб қолишини, ...кислотада йўқ бўлиб кетишини мумкин деб пўписа қилишганини айтди. Фторводородли кислота суякларни ҳам эритиб юборадиган бўлгани учун ҳам бу улкан идишда жасаддан ҳеч нарса қолмаслиги мумкин экан.

Тахдид беҳазил бўлгани учун ҳам цех бошлиғи журъат этиб бир иш қила олмаган, фақат қўл остидаги ходимлардан сурбетликни ошириб юбормасликни, меъёрини унутмасликни илтимос қилган, цех режаси барбод бўлишига йўл қўймасликни сўраган экан. У айтганидек иш тутишга ваъда қилишибди. Хуллас, мураса билан бир келишувга эришилган: цех бошлиғи учун режа нақд, ходималарга эса қўшимча пул топиш имконияти яратилган.

Шунақаси ҳам бўлар экан!

Ольга МАРШАНСКАЯ,

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика суд экспертизаси марказининг давлат суд эксперти.

Компьютер технологияси жадал ривожланиб бораётганлиги боис эндиликда амалда ҳар қандай ҳужжат қалбакилаштирилиши мумкин деган гапда жон бор. Бунинг устига қалбакилаштиришнинг услублари ҳам муттасил такомиллашиб бормоқда. Компьютер, сканер ва рангли пуркама принтер ёрдамида қалбаки дипломлар, сертификатлар, акциз маркалари ва бошқа нарсаларни тайёрлаш мумкин, улар умумий кўриниши бўйича асл нусхаларидан фарқланмайди ҳисоб. Шу сабабли ҳам фирмаларнинг раҳбарларидан, кадрлар билан ишлаш бўлимларининг бошлиқлари ва умуман барча фуқаролардан янада ҳушёрлик талаб этилади.

Фирибгарларга алданиб қолмасликка эса қуйидаги оддийгина қоидалар ёрдам беради.

АЛДАНИБ
ҚОЛМАЙ
ДЕСАНГИЗ

● Бирон масалани ҳал этаётганингизда ҳужжатларнинг асл нусхалари билан иш олиб боришга ҳаракат қилинг.

● Ҳеч нарса ёзилмаган – тоза қоғозга ва ҳужжатларнинг тўлдирилмаган бланкаларига имзо қўйманг ва муҳр босманг.

Бир сафар экспертизага фирма директорининг имзоси қўйилган ва муҳри босилган, 33000 АҚШ долларимикдоридаги маблағга оид касса-кирим ордери олиб келишди. Директор ўз имзосини, қўйилган муҳрни тан олди, аммо бунча миқдордаги маблағни ўтказма қилмаганман деб қатъий айтди.

Экспертиза касса-кирим ордери бланкасидаги ёзувлар имзо ва муҳр ёзуви узра қилинганлигини кўрсатди, бинобарин имзо ва муҳр тўлдирилмаган ордер бланкасига қўйилган эди.

Маълум бўлишича, чиндан ҳам фирма директори Қозоғистон компаниясининг вакилларига ишониб, уларнинг илтимосига кўра, қолаверса яна бир бор бориб келишга вақт сарфламаслик мақсадида касса-кирим ордерининг тўлдирилмаган бланкасига имзо қўйиб, муҳр босиб берган экан. Шундай қилиб, ҳужжатларнинг суд-техника экспертизаси бўйича экспертнинг хулосаси фирибгарларнинг қилмишини фош этишга ёрдам берди.

● Ҳужжатни расмийлаштираётганда унинг матни билан рекезитлари (яъни имзо ва муҳр қўйиладиган жой) ораллигида бўш жой қолдирмаслик керак.

Бир мисол келтирамиз. Экспертизага бир қарз тилхатини олиб келишди, унда имзо ҳам ҳақиқий, муҳр ҳам жойида эди. Лекин ҳужжат эгаси бу тилхатни

мен ёзмаганман деб туриб олди. Экспертиза қарзнинг матни битта принтердан фойдаланган ҳолда, рекезитлари эса бошқа принтердан фойдаланган ҳолда чиқарилганлигини аниқлаб берди. Ишга оид материаллар ўрганилганида шу нарса маълум бўлдики, ҳужжатларни расмийлаштиришда матн билан рекезитлар ўртасида катта жой ташлаб кетиш бу фуқарога хос одат экан. Фирибгарлар айна шу ҳолдан фойдаланиб, керакли матни қоғознинг бўш жойига ёзишган-да, бирламчи ҳужжатнинг юқори қисмини оддий фотокекич билан кесиб олиб ташлашган. Шу зайил эксперт тилхатни тайёрлашда монтаж усули қўлланганлигини исботлаб берди.

● Керакли ускуна ва материаллар бўлса, компьютер дастурлари ёрдамида нари борса ярим соат ичида муҳр ва штампларни, шу жумладан нотаиуснинг муҳри ва штампларини тайёрлаш ҳамда улардан кўчмас мулкни бир неча шахсга сотиш мақсадида турли олди-сотди шартномаларини қалбакилаштиришда фойдаланиш мумкин.

Экспертлик амалиётида учраётган воқеалар шундан далолат

Юқорида айтиб ўтилган тавсиялар, шунингдек ҳужжатларни қалбакилаштириш билан боғлиқ ва кўп учраб турадиган ҳоллар юзасидан олинган билимлар фуқароларимизга ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида қоидабузарларнинг қилмишларидан жабр кўрмасликка ёрдам беради деб умид қиламиз. Шунинг билан таъкидлаш жоизки, анъанавий ва замонавий услубиятни, шунингдек энг янги ускуналарни қўллаш экспертларга ҳам текшириш-тадқиқотларни муваффақиятли тарзда ўтказиш, тўғри ва ишончли хулосалар бериш имконини юзага келтирмоқдаки, бу ҳол жинойтларни фош этишда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Айни шу йўл билан нопок қўли эгри фуқароларнинг қабиҳ қилмишларига қарши курашга ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз.

Фания БАХТИЯРОВА,

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика суд экспертизаси марказининг етакчи илмий ходими.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

2005 йилдан бери бошланган

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУХАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБЕКОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30

E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru

www.norma.uz
Ношр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келмайдиган.

Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслахатчи»да эълон қилинган материалларни тулуқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган тахририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан таъёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс - 186 Буюртма 1081 Агад 2165. Баҳоли қўйилган нархда
Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп этилди.

Газета 2013 йил 29 июлда соат 17.50 да топширилди.

ISSN 2010-5223